"Тасдиқлайман"
Вилоят статистика
Бошқарма бошлиғи
С.Р.Шамшидинов

Вилоят статистика бошқармасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси йиғилиши
БАЁНИ

2020 йил 2 июль №**10** **Фарғона шаҳри**

Раислик қилувчи: Ташбеков Э. – бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари

Қатнашдилар: Идоравий комиссия аъзолари
бошқарма бўлимлари, ҳудудий статистика бўлимлари, (рўйхат бўйича)

Вилоят статистика бошқармасининг 2019 йил 8 июлдаги 91-Ф-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Фарғона вилоят статистика бошқармаси тизимида 2019-2020 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси" ва унга қўшимча чора-тадбирлар режасида, ҳамда коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тасдиқтанган бошқа чора тадбирлар режаларида белгиланган вазифаларнинг 2020 йил II чорак давомида бажарилиши натижалари тўғрисида

(Э.Ташбеков, Э. Рўзибоев, З.Маматалиев, Я.Эсонмирзаев, Э.Ташбеков)

Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ПФ-5729-сон Фармонида статистика органларига белгилаб берилган вазифалар ва ушбу Фармон билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг ижроси ўз вақида ва сифатли амалга ошириш, бошқарманинг
2019 йилда коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирлар режасининг 3, 5 – бандлари ижроси бўйича масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишни вилоят статиситика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – Вилоят статистика бошқармасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси Раиси Э.Ташбеков очиб берди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5729-сон Фармони билан Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссиясининг янгиланган таркиби, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури, Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича

махсус комиссия таркиби тасдиқланганлигига яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди.

Қайд этилдики, Фармон билан қуйидагилар тасдиланган ва белгилаб қўйилган:

- давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

- давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

- давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

- фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

- идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш;

- коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантириш;

- идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш;

Шу билан бирга 2020 йил 11 феврал куни бошқармада **"Коррупция жахолат сари етаклочи йўл!"** шиори остида йиғилиш бўлиб ўтди. Шу билан бирга, ходимлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этишлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш борасида доимий равишда махсус семинарлар, давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини давом эттириш ҳамда шаҳар, туман статистика бўлимлари фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама этиш, бу борада назорат ишларини янада кучайтириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.2-чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш масалалари бўйича "Коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимлари такомиллаштириш" шиори остида семинар ташкил этилди.Семинар иштирокчиларига Рухсор радиоси орқали элон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 690-сон қарорига мувофиқ ҳудудий статистика органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, Давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги низом ва Давлат статистика қўмитаси тизимидаги ташкилотлар низомларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадида Давлат статистика қўмитасининг буйруғи тасдиқланда ҳамда унинг асосида вилоят статистика бошқармаси Низоми тасдиқланди;

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонунини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги 12/1-220-сонлй чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш ҳамда давлат статистика органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан иш юритишни янада такомиллаштириш мақсадида тасдиқланган Давлат статистика қўмитасининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди;

Жорий йилнинг биринчи чорак давомида бошқарма расмий веб-сайтида вилоят статистика органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, мансабдор шахслар ва ходимлар фаолиятида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда коррупция ҳолатларини олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотлар доимий равишда янгиланиб, бу борадаги ахборот материаллари веб-сайтга жойлаштириб борилди;

Вилоят статистика қўмитаси ва қуйи тизим органлари мансабдор шахслари ва ходимлари фаолиятида мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ва коррупция ҳолатларини олдини олиш ҳамда амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш энг асосий вазифалардан бири эканлиги айтиб ўтилди;

Йиғилишда, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар билан ишлаш ҳамда уларнинг белгиланган тартибда қонуний кўриб чиқилиши юзасидан жорий йил давомида амалга оширилган ишлар ҳақида масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланди.

Янгидан қабул қилинаётган ҳамда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва юридик шахсларнинг кенг оммасига етказиш юзасидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар танқидий муҳокама этилиб, тегишли раҳбарларнинг ахборотлари эшитилди.

Шу билан бирга, жойларда коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар етарли даражада ташкил этилмаётганлиги танқидий таҳлил қилинди ва қуйидаги вазифалар белгиланди:

Вилоят статистика бошқармаси расмий веб-сайтининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш ва мунтазам равишда такомиллаштириб бориш, улардаги маълумотларни доимий равишда янгилаб ва тўлдириб борилишини таъминлаш орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг статистик маълумотларга бўлган талабларини қондириш,

давлат статистика органлари фаолиятини очиқлилигини ёритиб берувчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш юзасидан ишларни тизимли равишда ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатларни ўз вақтида ва пухта кўриб чиқилишини ташкил этиш ҳамда таҳдил қилиб борилишини таъминлаш, шунингдек бу борада назоратни янада кучайтириш;

янгидан қабул қилинаётган ҳамда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва юридик шахсларнинг кенг оммасига етказиш юзасидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар танқидий муҳокама этилди ва бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб берилди;

Шунингдек, ходимлар томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этишлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш борасида доимий равишда махсус семинарлар, давра суҳбатлари ва тушунтириш ишларини давом эттириш ҳамда ҳудудий органлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилиб, бу борада назорат ишларини янада кучайтириш бўйича тегишли вазифалар белгиланди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят статистика бошқармасининг 2019 йил 30 майдаги 70-сонли буйруғи билан тасдиқланган “2019-2020 йилларда давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар режаси”даги ҳамда 2019 йил 8 июлда 91-Ф-сонли буйруғи билан тасдиқланган “ Фарғона вилоят статистика бошқармаси тизимида 2019-2020 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси”да белгилаб берилган доимий вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан давлат статистика органларида 2020 йилнинг январь-июль ойларида амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисидаги ҳисобот;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017–2021” йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Давлат дастури”да белгиланган вазифалар ижроси тўғрисидаги ахборот;

Бошқарма туман шаҳар статистика бўлимларида коррупцияни олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари ва уларда тарқатилаётган буклетлар тўғрисидаги ахборот;

Вилоят статистика бошкармасининг шу йил 27 январдаги Кенгаш йиғилишидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси ҳолати тўғрисидаги ҳисобот;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ёритган ҳолда йиғилиш

иштирокчилари томонидан пухта ва мукаммал ўрганиб чиқилганлиги, мазкур қарорида белгиланган вазифаларни тизим органларида сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, ижро назоратини кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборот;

Вилоят статистика бошқармасининг коррупцияга қарши идоравий комиссиясининг 2020 йил II чораги давомидаги фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат статистика органларининг барча мансабдор шахслари ва ходимлари мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, коррупцияга йўл қўйиш ҳолатларида, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш, ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан камчиликларга йўл қўйилганда уларга нисбатан қатъий интизомий жазо чоралари кўрилиши тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

3. Дастурий техник таъминот ва маълумоларни сақлаш маркази:

бошқарманинг веб-сайти фаолиятини узлуксиз ишлаши, кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларининг доимий фаолиятини таъминланиши, маълумотларнинг мунтазам равишда янгилаб ва такомиллаштириб борилиши, ахборот хавфсизлигини таъминланиши юзасидан амалий чораларни кучайтирсинлар;

тизим органларида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, электрон ҳужжат айланиши тизими ва давлат интерактив хизматларининг самарали фаолиятини ташкил этиш бўйича Қўмита томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида ҳудудий статистика органларига амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласинлар;

4. Бошқарма бошлиғи ўринбосари Э.Рўзибоев, Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бўлими (С.Меликўзиев), бошқарма бўлим бошлиқлари, ҳудудий статистика органлари билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари, Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, назоратдаги ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, мурожаатлар билан ишлаш бўйича белгиланган вазифаларида тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан қатъий назорат олиб борсин;

Вилоят статистика бошқарма тизимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни қатъий равишда ўз вақтида, пухта ва самарали бажарилишини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Давлат статистика қўмитаси Раисининг виртуал қабулхонаси, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, расмий веб-сайт, "Ишонч телефонлари" оркали келиб тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва пухта кўриб чиқилишини ҳамда ўз вақтида мурожаат муаллифларига жавоб хатлари юборилишини таъминласинлар;

мурожаатларда коррупция аломатлари мавжудлиги ҳақида маълумотлар бўлганда, уларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур ўрганиб, унга йўл қўйган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо бериш бўйича таклифларни тегишли чора кўриш учун Қўмита раҳбариятига киритсинлар;

ҳар чорак якунлари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш ишлари бўйича фаолият натижаларини умумлаштирилиши, таҳлил этилиши ҳамда муҳокамасини ташкил этиб борсинлар ва муҳокама натижаларини расмий веб-сайтга таҳлилий маълумотлар кўринишида жойлаштириб борсинлар.

5. Ушбу йиғилиш қарорлари ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Масъул котиб З.Маматалиев